

Нафс оташини қандай сўндирамиз?



11:00 / 28.07.2021 3026

Мурид шайхидан сўради: «Нафс ўтини қандай ўчирамиз?».

Шайх деди: «Беҳожатлик билан, беҳожат бўл болам. Ким (бировлардан нарса сўрашни) тарк қилса эга бўлади».

«Инсонлар ҳақида нима дейсиз?».

Шайх деди: «Улар икки хил бўлади. Ким сендан узоқлашишни истаса, эшик тирқишида чиқиш ўрнини топади. Ким сен билан дўстона муносабатда бўлишни истаса, кириш учун харсанг тошни ҳам тешиб ўтади».

Мурид сўради: «Аллоҳга бўлган йўл қандай?»

Шайх деди: «Аллоҳ йўлида ҳаёт кечириш унинг йўлида вафот этишдан аламлироқ, қийинроқдир. Чунки унинг йўлида қатл бўлсанг, бир неча

санокли лаҳзалар, дақиқалар ичида охират томонга, руҳлар оламига ўтиб шод бўласан. Лекин Унинг йўлида ҳаёт кечиришда сен тубанликка қараб кетаётган омма ва оломонга қарама-қарши юришингга тўғри келади. Мана шу улкан курашдир».

Манба: arabic.uz